

**BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI HUZURIDAGI PEDAGOG
KADRLARNI QAYTA TAYYORLASH VA ULARNING
MALAKASINI OSHIRISH MINTAQAVIY MARKAZI**

**DAVLAT VA HUQUQ ASOSLARI FANINI
O'QITISHNING ZAMONAVIY
METODIKALARI**

2026

Shoyev I.X.

**tarix fanlari bo'yicha falsafa
doktori (PhD), dotsent**



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**OLIY TA’LIM TIZIMI KADRLARINI QAYTA TAYYORLASH VA
MALAKASINI OSHIRISH INSTITUTI**

**BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI HUZURIDAGI PEDAGOG
KADRLARNI QAYTA TAYYORLASH VA ULARNING MALAKASINI
OSHIRISH MINTAQAVIY MARKAZI**

**“DAVLAT VA HUQUQ ASOSLARI FANINI
O’QITISHNING ZAMONAVIY METODIKALARI”**

moduli bo‘yicha

O‘QUV–USLUBIY MAJMUA

Buxoro – 2026

Modulning o‘quv-uslubiy majmuasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2025-yil 30-dekabrdagi yig‘ilishida tasdiqlangan namunaviy o‘quv reja va dasturga muvofiq ishlab chiqilgan.

- Tuzuvchi:** Buxoro davlat universiteti “Ijtimoiy-siyosiy fanlar” kafedrası dotsenti, t.f.f.d.(PhD) Shoyev I.X.
- Taqrizchi:** Rajabov Sh.A. – Buxoro davlat universiteti “Yurisprudensiya” kafedrası dotsenti, yu.f.n.
- Xorijiy ekspert:** Muxammad Azim, Pokiston, Pandjob universiteti, siyosatshunos.

O‘quv dasturi Buxoro davlat universiteti Kengashining qarori bilan tasdiqqa tavsiya qilingan. (2026- yil “5” fevraldagi 6-sonli yig‘ilish bayonnomasi)

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	6
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	13
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	14
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	43
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	44
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ	45
VII. ГЛОССАРИЙ	45
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	47

1. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020-йил 2-сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 3-декабрдаги “Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-4910-сон ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2022-йил 1-июндаги “Академик лицейлар раҳбар ва педагог ходимларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 296-сон Қарорларида белгиланган устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда академик лицейлар педагог ходимларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Юқоридаги мақсаддан келиб чиқиб, академик лицейларда фаолият олиб бораётган “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фани ўқитувчиларининг педагогик маҳорат ва касбий компетентлигини мунтазам такомиллаштириш билан боғлиқ билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишларини таъминлаш учун янги фан модуллари ўқув режасига киритилган. **“Давлат ва ҳуқуқ асослари фанини ўқитишнинг замонавий методикалари”** деб номланган модул бўйича ишчи дастур тузилди ва бугунги кунда академик лицей “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фани ўқитувчисининг замонавий дарс мазмуни, унинг шакл ва методларини тўғри танлай олиши ва уларни амалга ошира олиши ўқувчиларнинг давлат таълим стандартлари талабларини бажаришининг муҳим омилларидан биридир. Шундай экан, академик лицейлар таълим жараёнида фаолият кўрсатаётган “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фани ўқитувчисининг ўрта махсус, касб-хунар таълими жараёни моҳиятини яхши тушуниши, замонавий таълим методларни яхши билиши, уларни тўғри қўллай олиши бугунги кун талабидир.

“Давлат ва ҳуқуқ асослари фанини ўқитишнинг замонавий методикалари” модули машғулотлари давомида инновацион технология таърифи, таснифи, методик асослари, таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш йўллари ва шу орқали ўқувчиларининг билиш фаолиятини фаоллаштириш масалалари ёритилади.

Ишчи дастур доирасида берилаётган **“Давлат ва ҳуқуқ асослари фанини ўқитишнинг замонавий методикалари”** модули мавзулари орқали академик лицейларда фаолият олиб бораётган педагог кадрларнинг педагогик маҳорат ва касбий компетентлигини мунтазам такомиллаштириш

билан боғлиқ билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари таъминланади.

Бугунги кунда академик лицей “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фани ўқитувчисининг замонавий дарс мазмуни, унинг шакл ва методларини тўғри танлай олиши ва уларни амалга ошира олиши ўқувчиларнинг давлат таълим стандартлари талабларини бажаришининг муҳим омилларидан биридир. Шундай экан, академик лицейлар таълим жараёнида фаолият кўрсатаётган “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фани ўқитувчисининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими жараёни моҳиятини яхши тушуниши, соҳага оид замонавий ёндашув ва инновацияларни тўғри қўллаш олиши бугунги кун талабидир.

“Давлат ва ҳуқуқ асослари фанини ўқитишнинг замонавий методикалари” модули машғулотлари давомида инновацион технология таърифи, таснифи, методик асослари, таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш йўллари ва шу орқали ўқувчиларининг билиш фаолиятини фаоллаштириш масалалари ёритилади.

Ушбу модул бўйича ишчи дастур академик лицейнинг “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фани ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнида қўлланилади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулининг мақсади: Профессионал таълим муассасалари педагог кадрлари малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

“Давлат ва ҳуқуқ асослари фанини ўқитишнинг замонавий методикалари” модулининг вазифалари:

- Давлат ва ҳуқуқ асослари фанидаги замонавий методикалар: медитацион методика, шахсга йўналганлик методика, гуманистик методика, интегратив методика таъсирини баён этиш;
- Давлат ва ҳуқуқ асослари фанини ўқитишда педагогнинг креатив методика ва уни амалда қўллаш тамойиллари изоҳлаб бериш;
- Таълимга нисбатан инновацион методика ва таълимда анъанавий ва инновацион технологияларнинг уйғунлигини таҳлил этиш;
- Педагогик инновацияларнинг ўзига хослиги ва таълим жараёнида инновацион усул ва методикалардан фойдаланишини ўрганиш;
- “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фанини ўқитишда хусусий, модулли ва тизимли методикалар ва таълим жараёнига инновацион методикаларни киритиш йўллари ўрганишдан иборат.

Модул бўйича қўйиладиган талаблар

“Давлат ва ҳуқуқ асослари фанини ўқитишнинг замонавий методикалари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- Давлат ва ҳуқуқ асослари фанидаги замонавий методикалар: медитацион, шахсга йўналганлик, гуманистик, интегратив методикаларни;
- Давлат ва ҳуқуқ асослари фанини ўқитишда педагогнинг креатив методикаси ва уни амалда қўллаш тамойилларни;
- Таълимга нисбатан инновацион методика ва таълимда анъанавий ва инновацион технологияларнинг уйғунлигини;
- Педагогик инновацияларнинг ўзига хослиги ва таълим жараёнида инновацион усул ва методлардан фойдаланишни;
- “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фанини ўқитишда хусусий, модулли ва тизимли инновациялар ва таълим жараёнига инновацияларни киритиш йўллари ҳақида **билиши керак.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Давлат ва ҳуқуқ асослари фанини ўқитишнинг замонавий методикалари” курси маъруза ва семинар машғулотлари шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, савол-жавоб, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза ва семинар дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Давлат ва ҳуқуқ асослари фанини ўқитишнинг замонавий методикалари” модули мазмунини ўқув режадаги **“Давлат ва ҳуқуқ асослари фанини ўқитишнинг замонавий методикалари”** ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда **“Давлат ва ҳуқуқ асослари”** фани ўқитувчисининг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар давлат ва ҳуқуқнинг долзарб муаммолари, “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фанидаги замонавий методикалар, “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фанини ўқитишда педагогнинг креатив методикаси ва уни амалда қўллаш тамойиллари асосларини ўрганиш, “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фанини ўқитишда хусусий, модулли ва тизимли инновацияларни таҳлил этиш, таълим жараёнида инновацион усул ва методикалардан фойдаланиш, таълим жараёнига инновацияларни киритиш йўллари аналда қўллаш ва баҳолашга доир касбий малакага эга бўладилар.

МОДУЛ БЎЙИЧА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси				Мустақил таълим
			Жами	жумладан			
				Назарий	Амалий машғулот	Қўчма машғулот	
1.	Замонавий педагогик тенденцияларни амалиётга жорий этиш.	4	4	2	2	-	
2.	Интерактив ва амалий ёндашувлар.	4	4	2	2	-	
3.	Ўқувчиларни ҳуқуқ соҳасига оид билимларини амалиётга тадбиқ этиш.	2	2	-	2	-	
ЖАМИ		10	10	4	6	-	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Замонавий педагогик тенденцияларни амалиётга жорий этиш. (2 соат)

Замонавий педагогик тенденцияларни амалиётга жорий этилиш самарадорлигини аниқлаш мезонлари. Ўқувчиларни мустақил равишда билим олишга йўналтириш методлари. Таълим самарадорлигини оширишга

йўналтирилган педагогик технологияларнинг умумий таснифи. Давлат ва ҳуқуқ асослари фанининг мазмунини янги сифат босқичига олиб чиқишнинг самарали усул ва воситалари. Давлат ва ҳуқуқ асослари фанини ўқитишда замонавий методлар.

2-мавзу: Интерактив ва амалий ёндашувлар. (2 соат)

Интерактив ва амалий ёндашувни жорий этиш. Қонуний масалаларни ўрганиш, уларни амалиётда қўллаш ва ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилиш кўникмаларини ривожлантириш. Ҳуқуқий вазиятларга мос жавоблар топиш кўникмасини ривожлантириш. Дарсларни интерактив ва қизиқарли қилиш. Далилларга асосланган қарорлар қабул қилиш кўникмасини ривожлантириш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-машғулот: Замонавий педагогик тенденцияларни амалиётга жорий этиш. (2 соат)

Замонавий педагогик тенденцияларни амалиётга жорий этилиш самарадорлигини аниқлаш мезонлари. Ўқувчиларни мустақил равишда билим олишга йўналтириш методлари. Таълим самарадорлигини оширишга йўналтирилган педагогик технологияларнинг умумий таснифи. Давлат ва ҳуқуқ асослари фанининг мазмунини янги сифат босқичига олиб чиқишнинг самарали усул ва воситалари. Давлат ва ҳуқуқ асослари фанини ўқитишда замонавий методлар.

2-машғулот: Интерактив ва амалий ёндашувлар. (2 соат)

Интерактив ва амалий ёндашувни жорий этиш. Қонуний масалаларни ўрганиш, уларни амалиётда қўллаш ва ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилиш кўникмаларини ривожлантириш. Ҳуқуқий вазиятларга мос жавоблар топиш кўникмасини ривожлантириш. Дарсларни интерактив ва қизиқарли қилиш. Далилларга асосланган қарорлар қабул қилиш кўникмасини ривожлантириш.

3-машғулот: Ўқувчиларни ҳуқуқ соҳасига оид билимларини амалиётга тадбиқ этиш. (2 соат)

Ўқувчиларни ҳуқуқ соҳасига оид билимларини амалиётга тадбиқ этиш кўникмаларини шакллантириш. Ҳуқуқий компетенциялар турлари ва уларнинг жамият тараққиётидаги ўрни. Ҳуқуқий муаммонинг альтернатив ечимларини ишлаб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари. Тўғри ва асосли қарорлар қабул қилишда замонавий методлардан фойдаланиш.

Ўқитиш шакллари

Мазкур модуль маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методикалари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Ўқув-топшириқ турлари	Максимал балл	Баҳолаш мезони		
		2,5	«аъло» 2,2-2,5	«яхши» 1,8-2,1	«ўрта» 1,4-1,7
1.	Тест-синов топшириқларини бажариш	0,5	0,4-0,5	0,34-0,44	0,28-0,3
2.	Ўқув-лойиҳа ишларини бажариш	1	0,9-1	0,73-0,83	0,56-0,7
3.	Мустақил иш топшириқларини бажариш	1	0,9-1	0,73-0,83	0,56-0,7

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ (АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР БЎЙИЧА)

1. “Венн диаграммаси” график органайзери (ГО)

Таълим олувчиларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гуруҳларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.

ГО қуйидаги схема (график тасвир)га эга бўлиб, топшириқ шу схема асосида бажарилади:




График организатор таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

2. “Кейс-стади” технологияси


“Кейс-стади” (инглиз тилида “case” – метод, “study” – муаммоли вазият; вазиятли таҳлил ёки муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш) технологияси таълим олувчиларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. У таълим олувчиларни бевосита ҳар қандай мазмунга эга вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилишга ўргатади.

Технологиянинг негизида муайян муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнининг умумий моҳиятини акс эттирувчи элементлар ётади.

Булар қуйидагилардир: таълим шакллари, таълим методлари, таълим воситалари, таълим жараёнини бошқариш усул ва воситалари, муаммони ҳал қилиш юзасидан олиб борилаётган илмий изланишнинг усул ва воситалари, ахборотларни тўплаш, уларни ўрганиш усул ва воситалари, илмий таҳлилнинг усул ва воситалари, ўқитувчи ва таълим олувчи ўртасидаги таълимий алоқанинг усул ва воситалари, ўқув натижалари.

3. “Концептуал жадвал” ГО

Таълим олувчиларни ўрганилаётган мавзу (масала ёки муаммо)ни икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади. Ундан фойдаланишда таълим олувчиларнинг мавзу юзасидан мантиқий фикрлаш, маълумотларни тизимли баён қилиш қобилиятлари ривожлантирилади. Машғулотлар чоғида ГОдан қуйидагича фойдаланилади:



4. “Кластер” ГО

“Кластер” (ғунча, тўплам, боғлам) график органайзери пухта ўйланган стратегия бўлиб, уни таълим олувчилар билан якка тартибда, гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотларда қўллаш мумкин. Кластерлар илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

5. “Конференция” методи

Технология таълим олувчиларга улар томонидан мавзу бўйича ўзлаштирилган билимларни эркин баён қилиш, мазмунини ўз фикри, ҳаётий мисоллар ёрдамида ёритилишини таъминлашга хизмат қилади.

Ўқув жараёнида технологиядан фойдаланиш ўрганилаётган муаммо бўйича муайян масалаларни ҳал этиш, маълум жараён (воқелик, ҳодиса)нинг келиб чиқиш сабаблари, уларни бартараф этиш йўллари топиш асосида таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ижодий изланиш, фикрини исботлаш ва турли вазиятлардан чиқа олиш кўникма, малакаларини ҳосил қилади.

Технология тарбиявий характерга эга бўлиб, таълим олувчиларга ўзларида ижобий фазилатларни кўпроқ шакллантириш, салбий хислатлардан эса воз кечишларида ёрдам беради.

6. “Кичик гуруҳларда ишлаш” методи

Метод таълим олувчилар томонидан муайян бўлим ёки боблар бўйича ўзлаштирилган назарий билимлар асосида педагогик фаолиятни ташкил этишга оид режани ишлаб чиқиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Уни қўллаш таълим олувчилардан ўрганилаётган мавзу мазмунини пухта ўзлаштириш, асосий ғояларни умумлаштириш, маълум тизимга солиш лаёқатига эга бўлишни тақозо этади.

Метод таълим олувчилар фаолиятини жуфтлик, гуруҳ ва жамоа асосида ташкил этиш имконини беради. Уни маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, волонтерлик ҳаракатларини олиб бориш, педагогик амалиётни ташкил этишда қўллаш янада самарали ҳисобланади.

Одатда режани ишлаб чиқишда педагогик вазият, таълим олувчиларнинг ёш, психологик хусусиятлари, маънавий-маърифий ишнинг йўналиши, мазмуни ҳамда самарадорликка эришиш имкониятига эғалик инобатга олинади.

7. “ФСМУ” методи

График органайзер таълим олувчиларда ўрганилаётган мавзу юзасидан фикрларни мустақил баён этиш, шахсий мулоҳазаларни далиллаш (мисоллар билан асослаш), баҳслашиш қобилиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Таълим олувчиларга қуйидаги схема билан ишлаш тавсия этилади:


№	Тушунчалар	(Ф)	(С)	(М)	(У)
1.	Таълим методлари				
2.	Таълим воситалари				
3.	Таълимни ташхис қилиш				

8. “Қарорлар шажараси” (“қарор қабул қилиш”) стратегияси

Стратегия муайян фан асосларига оид бир қадар мураккаб мавзуларни ўзлаштириш, маълум масалаларни ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хулосаларга келиш, муаммо юзасидан билдирилаётган бир нечта хулоса орасидан энг мақбул ҳамда тўғрисида топишга йўналтирилган техник ёндашувдир. У аввалги вазиятларда қабул қилинган қарорларни яна бир бора таҳлил қилиш, уни мукамал тушунишга хизмат қилади.

Таълимда стратегияни қўллаш ўрганилаётган муаммо юзасидан оқилона қарор қабул қилиш (хулосага келиш) учун таълим олувчилар томонидан билдирилаётган ҳар бир вариантни таҳлил қилиш, мақбул ва номақбул жиҳатларини аниқлаш имкониятини яратади.

Унга кўра машғулотларда таълим олувчилар қуйидаги чизма асосида ишлайди (у ёки бу тартибдаги фаолиятни олиб боришда ёзув тахтасидан фойдаланади):



III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-МАВЗУ: Замонавий педагогик тенденцияларни амалиётга жорий этиш. (2 соат)

РЕЖА:

Замонавий педагогик тенденцияларни амалиётга жорий этилиш самарадорлигини аниқлаш мезонлари. Ўқувчиларни мустақил равишда билим олишга йўналтириш методлари. Таълим самарадорлигини оширишга йўналтирилган педагогик технологияларнинг умумий таснифи. Давлат ва ҳуқуқ асослари фанининг мазмунини янги сифат босқичига олиб чиқишнинг самарали усул ва воситалари. Давлат ва ҳуқуқ асослари фанини ўқитишда замонавий методлар.

Ўзбекистон Республикасида таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш мустақилликнинг илк кунлариданоқ энг муҳим вазифалардан бири сифатида доимий диққат-эътибор марказида бўлиб келмоқда. Юртимизда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10–12 фоизини ташкил этаётгани ва бу соҳани давлат бюджети харажатларидаги улуши 35 фоиздан зиёд экани, бундай кўрсаткичларни дунёнинг бошқа давлатларида камдан-кам учратиш мумкинлиги бугунги кунда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилаётганлиги фикримизнинг ёрқин далили бўла олади.

Мустақил фикрлайдиган, замонавий илм-фан ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, ўз юрти, ўз халқига фидойи, юртбошимиз бошлаган ишларни давом эттиришга қодир бўлган, ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаш ҳар бир таълим берувчининг энг муҳим вазифаси, юртбошимиз таъбирлари билан айтганда балки бурчидир. Ушбу бурч ва вазифаларни бажариш ҳар бир педагогдан юксак билим, улкан маҳорат, замонавий илм-фаннинг ютуқларидан хабардор бўлиш, хорижий тилларни пухта эгаллаш, компьютер технологияларидан, интернетдан мақсадли фойдаланиш кўникмаларига ҳамда юқори малакага эга бўлишни талаб этмоқда.

Узлуксиз таълим тизимининг олдида турган энг муҳим ва энг долзарб вазифалардан бири-бу ўқитишда инновацион таълим технологияларидан кенг

фойдаланиш, уларни ўқув жараёнига тадбиқ этиш ва жаҳон стандартлари талабларига билимли, удабурон, тадбиркор, ишининг кўзини биладиган ва рақобатбардош мутахассис кадрлар тайёрлаш, шу билан бирга комил инсон шакллантиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «Шуни унутмаслик керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади. Бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ. Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало, шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш-таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак. Бу эса таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади.

Ўқитувчининг самарали фаолият кўрсатишга ундовчи дарснинг методик ишланмасини пухта ишлаб чиқишдан фарқли ўлароқ, таълим технологияси талабалар фаолиятига нисбатан йўналтирилган бўлиб, у талабаларнинг шахсий ҳамда ўқитувчи билан биргаликдаги фаолиятларини инобатга олган ҳолда, ўқув материалларини мустақил ўзлаштиришлари учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади.

Таълим технологиясининг марказий муаммоси — таълим оловчи шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлашдан иборат. Педагогик технология назарияси ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб асосланиб келинаётган бўлсада, айнан «педагогик технология» тушунчасига нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд. Хусусан, педагог олим В.П.Беспалько педагогик технологияни «амалиётга тадбиқ қилинадиган муайян педагогик тизим лойиҳаси» дея таърифлайди ҳамда асосий диққатни ўқув-педагогик жараёни олдиндан лойиҳалашга қаратади.

Ўз моҳиятига кўра педагогик технология вақт тақсимотига мувофиқ дастурланиб, илмий жиҳатдан асосланган ҳамда кутилган натижага эришишни таъминловчи педагогик жараённинг барча босқич ва қисмларининг вазифалари аниқ белгиланган тизимни ифодалайди.

Таълимнинг самарадорлигини ошириш ва билимларни тўла эгаллашларига эришиш, шахснинг таълим диққат марказида бўлишини ва ёшларнинг мустақил билим олишларини таъминлаш учун таълим муассасаларига яхши тайёргарлик кўрган ва ўз соҳасидаги билимларни мустаҳкам эгаллашдан ташқари замонавий педагогик технологияларни ва интерфаол усулларни биладиган, улардан ўқув ва тарбиявий машғулотларни ташкил этишда фойдалана оладиган ўқитувчилар керак. Бунинг учун, барча

фан ўқитувчиларини инновацион педагогик технологиялар ва интерфаол усуллар билан қуроллантириш ҳамда олган билимларини ўқув-тарбиявий машғулотларда қўллаш малакаларини ошириб бориш лозим.

Узлуксиз таълим тизимининг олдида қўйилган давлат ва ижтимоий буюртмага мувофиқ, олий ўқув юртлари таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш, илм-фаннинг сўнгги ютуқларини амалиётга жорий этиш орқали ижодкор, ижтимоий фаол, юксак маънавиятли, касб-хунарли, Она-Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган, ижодий ва мустақил фикр юрита оладиган, давлат ва жамият олдида ўз бурчи ва жавобгарлигини ҳис этадиган баркамол шахсни камолга этказиш, уларнинг онги ва қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдириш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш назарда тутилади.

Ушбу вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши таълим-тарбия жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишни тақозо этади. Ўқув-тарбия ишлари жараёнида ўқувчи-талаба ёшларни ижодий фикрлашга, ўзгарувчан вазиятларга ўргатиш, эркин рақобат асосида фаолиятни ташкил этиш ҳамда уларнинг амалий машғулотларда ахборот технологиялари, электрон дарсликлар ва мультимедиаалардан фойдалана билиши муҳимдир. Бу эса талабаларда мустақиллик, эркин фикрлашни тарбиялашни, ўқув фаолиятини таҳлил қилишни, истиқболда касбий маҳорат орттириш уларнинг ички эҳтиёжига айлантирилишини талаб этади.

Замонавий педагогик технологиялар таълим-тарбия жараёнининг бир тизимга солинган илмий-назарий ва методик асосланган янги шакл, усул ва воситаларининг мажмуидир. Бунда янги мазмун, шакл, усул ва восита уйғунлигида мақсад, вазифа, фаолият ва педагогик натижа яхлитлиги таъминланади ҳамда ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайдиган ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндашув, энг аввало, тасвирлаш эмас, балки лойиҳалаштирилган натижаларни амалга ошириш имконини берувчи амалий кўрсатмали тузилмада ўз ифодасини топади.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол услублар (инновацион педагогик ва ахборот технологиялари)дан фойдаланиб, таълимнинг самарадорлигини кўтаришга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Замонавий технологиялар қўлланилган машғулотлар талабалар эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига қаратилган. Ўқитувчи бу жараёнда шахс ва жамоанинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади, шу билан бирга, бошқарувчилик, йўналтирувчилик вазифасини бажаради. Бундай ўқув

жараёнида талаба асосий фигурага айланади.

Ўқув-тарбия жараёнида педагогик технологияларнинг тўғри жорий этилиши ўқувчиларнинг бу жараёнда асосий ташкилотчи ёки маслаҳатчи сифатида фаолият юритишига олиб келади. Бу эса талабалардан кўпроқ мустақилликни, ижодни ва иродавий сифатларни талаб этади.

Ҳар қандай педагогик технологиянинг ўқув-тарбия жараёнида қўлланилиши шахсий характердан келиб чиққан ҳолда, талабани ким ўқитаётганлиги ва ўқитувчи кимни ўқитаётганлигига боғлиқ.

Педагогик технология асосида ўтказилган машғулотлар ёшларнинг муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммоларига ўз муносабатларини билдиришларига интилишини қондириб, уларни фикрлашга, ўз нуқтаи назарларини асослашга имконият яратади.

Ҳозирги даврда содир бўлаётган инновацион жараёнларда таълим тизими олдидаги муаммоларни ҳал этиш учун янги ахборотни ўзлаштириш ва ўзлаштирилган билимларни ўзлари тамонидан баҳолашга қодир зарур қарорлар қабул қилувчи, мустақил ва эркин фикрлайдиган шахслар керак.

Бугунги кунда ўқитиш жараёнини самарали ва натижали бўлишини таъминлашга йўналтирилган интерфаол услубларнинг ва ўқитиш технологияларининг барчаси мамлакатимизнинг барча умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар ҳамда олий таълим муассасалари, ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари ва факультетларда кенг миқёсда қўлланилиб келинмоқда ҳамда ижобий натижалар бермоқда.

Бугунги кунда республика таълим муассасаларида интерфаол таълимни ташкил этишда қуйидаги энг оммавий технологиялар қўлланилмоқда:

1. **Интерфаол методлар:** «Кейс-стади» (ёки «Ўқув кейслари»), «Блиц-сўров», «Моделлаштириш», «Ижодий иш», «Муносабат», «Режа», «Сухбат» ва б.
2. **Стратегиялар:** «Ақлий хужум», «Бумеранг», «Галерея», «Зиг-заг», «Зинама-зина», «Музёра», «Ротация», «Т-жадвал», «Юмалоқланган қор» ва ҳ.к.
3. **График органайзерлар:** «Балиқ скелети», «БББ», «Концептуал жадвал», «Венн диаграммаси», «Инсерт», «Кластер», «Нима учун?», «Қандай?» ва б. Интерфаол таълим бевосита интерфаол методлари ёрдамида ташкил этилади.
4. **Модулли-кредит тизими** замонавий таълимнинг энг такомиллашган шакли саналади. Бугунги кунда тараққийпарвар инсоният давлатлар ўртасида ижтимоий, иқтисодий, ҳарбий ва маданий соҳаларда ўзаро келишувга эришиш, ҳамкорликни йўлга қўйишнинг янгидан янги йўллари излашда давом этмоқда.

Бугунги кунда таълим тизимида билимларни эгаллашнинг янги концепцияси – замонавий инновацион таълим технологияларнинг турли хил кўринишларини қўллаш жуда яхши самара бермоқда. Бунда таълимнинг янги методлардан фойдаланишда таҳсил олувчиларнинг интеллектуал, эркин фиклашни ривожлантириш, ўз фикрини асослаб беришга интилиши, ўзгалар фикрини тинглай олиши, муаммолар ечимини топишга ҳаракат қилиши, ижодий ва ахлоқий тараққиёти жараёнларига самарали таъсир этади.

Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида таълим методларидан фойдаланганда, аввало, бу методдан фойдаланишнинг ўрни, унинг самарадорлигини билиши муҳимдир. Бунинг учун ҳар бир педагог ҳаётий тажрибага эга бўлган, етарли билимлар билан қуролланган, таълим олувчиларга нисбатан муаммоларнинг ечимини олдиндан ҳал эта оладиган ва уларни таълим олувчиларга етказиш малакасига эга бўлиши лозим.

Шунингдек, инновацион технология асосида ўтказилган машғулотлар ёшларнинг муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммоларига ўз муносабатларини билдиришларига интилишларини қондириб, уларни фикрлашга, ўз нуқтаи назарларини асослашга имконият яратади. Ҳозирги даврда содир бўлаётган инновацион жараёнларда таълим тизими олдидаги муаммоларни ҳал этиш учун янги ахборотни ўзлаштиришга ва ўзлаштирилган билимларни мустақил баҳолашга қодир, зарур қарорлар қабул қила олувчи, мустақил ва эркин фикрлайдиган шахслар керак. Шунинг учун ҳам таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий жараёнида замонавий ўқитиш услублари-интерфаол услублар, инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда барча таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий жараёнида ўқитувчининг касбий маҳорати, ҳаётий тажрибаси, замонавий ўқитиш услублари-интерфаол услублар, инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

2-МАВЗУ: Интерактив ва амалий ёндашувлар. (2 соат)

РЕЖА:

Интерактив ва амалий ёндашувни жорий этиш. Қонуний масалаларни ўрганиш, уларни амалиётда қўллаш ва ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилиш кўникмаларини ривожлантириш. Ҳуқуқий вазиятларга мос жавоблар топиш кўникмасини ривожлантириш. Дарсларни интерактив ва қизиқарли қилиш. Далилларга асосланган қарорлар қабул қилиш кўникмасини ривожлантириш.

Таълим тизимида инновацион ёндашувлардан фойдаланиш ўқувчиларнинг билим сифатини ошириш, уларнинг ўқув жараёнидаги қизиқишини сақлаш ва давомий ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда таълим муассасалари ИТ технологиялар, интерактив усуллар ва ижодий ёндашувлардан кенг фойдаланиб, дарсларни янада таъсирли ва самарали қилиб ташкил этишга интилишмоқда.

Жаҳон миқёсида таълим тизимидаги глобал ўзгаришлар ва рақамлаштириш жараёнлари анъанавий таълим усулларига кучли таъсир кўрсатди. Бунинг натижасида, замонавий таълим тизимида ўқув жараёнини самарали ташкил этиш ва ҳар бир ўқувчининг индивидуал имкониятларини ҳисобга олишга хизмат қилувчи янги ёндашувларга эҳтиёж сезилди. Инновацион ёндашувлар таълимда янги усуллар, технологиялар ва интерактив воситаларни қўллаб-қувватлайди ва уларнинг қўлланилиши натижасида талабаларнинг ўқув жараёнидаги иштироки ва қизиқиши ошиши мумкин.

ИТ технологиялар ўқув жараёнини индивидуаллаштириш, виртуал муҳитда таълим олиш ва дарсларни онлайн тарзда ташкил этиш имконини беради. Интерактив усуллар талабаларни жонли равишда ўқув жараёнига жалб қилиш ва уларнинг ўқишга нисбатан ижобий муносабатини шакллантиришга хизмат қилади. Ижодий ёндашувлар эса талабаларда мустақил фикрлаш, муаммоларни ўз усулларида ҳал қилиш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради.

Тадқиқотда инновацион ёндашувларнинг турли кўринишлари ва уларнинг таълим жараёнига таъсирини ўрганиш учун қуйидаги методлардан

фойдаланилди:

Адабиётларни таҳлил қилиш: Инновацион ёндашувлар, IT технологиялар ва интерактив усуллар бўйича турли илмий манбалар, жумладан, мақолалар, китоблар ва конференция материаллари ўрганилди. Ушбу ёндашувларнинг назарий асослари ва амалиётда қўлланилиши бўйича маълумотлар йиғилди.

Ўқитувчилар ва талабалар ўртасида инновацион ёндашувлардан қўлланилиши ҳақида анкета ўтказилди. Уларнинг қайси турларидан кўпроқ қониқарли натижаларга эришилаётганлиги бўйича фикр-мулоҳазалар йиғилди.

Тажриба ўтказиш: Таълим жараёнида IT технологиялардан, интерактив усуллардан ва ижодий ёндашувлардан фойдаланиб дарсларни ташкил этиш орқали талабаларнинг академик натижалари ўлчанди. Тажриба жараёнида ҳар бир ёндашувнинг фойда ва камчиликлари баҳоланди.

Тадқиқот натижалари инновацион ёндашувларнинг ўқув жараёнида қўлланилиши талабаларнинг ўқув жараёнига нисбатан ижобий муносабатини оширишини ва билимларни ўзлаштириш даражасини яхшилашини кўрсатди.

IT технологиялар: онлайн дарс платформалари, масалан, Zoom, Google Classroom, ва Microsoft Teams ёрдамида ўқув жараёнини ташкил қилиш натижасида талабалар дарсларга қўшимча қизиқиш билдиришди. Айниқса, видеомаълумотлар, интерактив тақдимотлар ва виртуал лабораториялар ўқув жараёнини жонлантиришда катта ёрдам берди. Ушбу технологиялар орқали талабаларнинг мустақил ўқув жараёнидаги иштироки ошганлиги кузатилди, чунки улар ўзига қулай вақтда дарс материаллари билан танишиш имкониятига эга бўлди.

Интерактив усуллар: Тадқиқотлардан келиб чиқиб, интерактив ёндашувлар, масалан, кейс-стади, ролли ўйинлар ва гуруҳли муҳокамалар талабаларда фаол иштирок, жамоавий ишлаш ва мулоқот кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам бериши аниқланди. Ҳар бир ўқувчи ўзининг билим даражасини ошириш учун ўзини фаолроқ кўрсатишга интилади.

Ижодий ёндашувлар: Талабаларга муаммоларни мустақил ҳал қилиш имконини берадиган ижодий ёндашувлар талабаларнинг креатив фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам берди. Масалан, муаммо ечимини ижодий усулда топиш талабаларда фикрни эркин ифодалаш қобилиятини оширган. Лойиҳа ишлари, презентациялар ва креатив топшириқлар орқали талабаларнинг ижодий салоҳиятини кўриш имкони пайдо бўлган.

Тадқиқот натижалари таълим жараёнида инновацион ёндашувларнинг қўлланилиши талабаларнинг ўқишга бўлган қизиқишини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайди.

IT технологиялар: Ўқув жараёнини рақамли муҳитга кўчириш натижасида, талабалар ўқув материалларига доимо кириш имконига эга бўлишди. Бу таълим жараёнини глобаллаштириш ва ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашувни таъминлаш имконини беради. Шунингдек, бу воситалар таълим жараёнини узлуксиз давом этишини таъминлаб, талабаларнинг фаоллигини сақлашга ёрдам беради.

Интерактив усуллар: Интерактив усулларни қўллаш натижасида талабалар бир-бирлари билан ҳамкорликда ишлашни ўрганадилар, бу эса уларда жамоавий ишлаш кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради. Бундан ташқари, интерактив усуллар ҳар бир талабанинг ўқув жараёнида фаол иштирокини таъминлаб, уларнинг билим сифатини оширади. Бу усуллар талабаларнинг фикрлаш даражасини чуқурлаштиришга, янги билимларни тезроқ ўзлаштиришга ёрдам беради.

Ижодий ёндашувлар: Ижодий ёндашувлардан фойдаланиш талабаларда муаммоларни янги усуллар билан ҳал қилиш, янгича фикрлаш қобилиятини ривожлантиради. Тадқиқот натижалари кўрсатганидек, ижодий ёндашувлар ёрдамида ўқув жараёни талабалардаги мустақил фикрлаш салоҳиятини кучайтиради, бу эса талабаларнинг келажакдаги касбий фаолиятида муваффақиятли бўлишларига ёрдам беради.

Замонавий таълим жараёнида IT технологиялар, интерактив усуллар ва ижодий ёндашувлардан фойдаланиш талабаларнинг билим олиш жараёнидаги иштироки ва қизиқишини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

IT технологиялар таълим жараёнини янада самарали ташкил этишда муҳим рол ўйнайди, чунки улар орқали ўқувчилар ўзларининг таълим жараёнини мустақил бошқариш имконига эга бўлади.

Интерактив усуллар талабалар ўртасида жамоавий ишлаш кўникмаларини ривожлантириб, уларни ўқув жараёнида фаол иштирок этишга чорлайди.

Ижодий ёндашувлар эса талабаларнинг креатив фикрлаш қобилиятини кучайтиради ва уларда муаммоларга индивидуал ёндашувни шакллантиради.

Бир қатор тадқиқотлар IT технологияларнинг таълим жараёнига қўшган ҳиссасини аниқлаган. Масалан:

Мустақиллик ва қизиқишни ошириш: оНЛайн платформалардан, хусусан, Google Classroom, Zoom ва Microsoft Teams сингари таълим воситаларидан фойдаланиш натижасида талабаларда мустақил ўқув жараёнига қизиқиш кучаяди. Тадқиқотлар кўрсатадики, онлайн дарслар ёрдамида талабаларга билим олиш жараёнини ўз вақтида ташкил этиш ва ўзлаштириш имконияти яратилади. Масалан, 2020 йилдаги пандемия даврида онлайн ўқув платформалари орқали амалга оширилган таълимнинг

самарадорлиги юқори бўлгани таъкидланади.

Таълим жараёнини рақамлаштириш: IT технологиялар ёрдамида ҳар бир талабанинг ўзлаштириш даражасини кузатиш ва таҳлил қилиш имконияти кенгроқ бўлади. Бундай ёндашув таълим жараёнининг индивидуаллаштирилишига ёрдам беради, чунки ўқитувчилар онлайн платформаларда талабаларнинг фаолиятини назорат қилиб, ҳар бир талабага зарур бўлган ёрдамни кўрсатиш имкониятига эга бўладилар.

Интерактив усуллар таълим жараёнини жонли ва талабалар ўртасида ҳамкорликка асосланган муҳитга айлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Кейс-стади ва ролли ўйинларнинг таъсири: Тадқиқотлар кўрсатганидек, кейс-стади ва ролли ўйинлар сингари интерактив ёндашувлар талабаларнинг воқеаларга тезроқ мослашиши ва муаммоларни амалий равишда ҳалқилиш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради. Масалан, ҳар хил воқеалар ёки муаммоларни амалий равишда кўриб чиқиш орқали талабаларда маълум бир ҳолатларда қарор қабул қилиш қобилияти ривожланади. Бу усулларнинг самарадорлиги Германия ва АҚШдаги педагогика соҳасида ўтказилган тадқиқотлар орқали тасдиқланган.

Мулоқот кўникмаларини ривожлантириш: Талабалар ўртасидаги гуруҳли муҳокамалар ва ҳамкорликка асосланган усуллар талабаларни дарс жараёнида фаол иштирок этишга ундайди. Интерактив усуллар ҳар бир талабанинг ўз фикрини эркин ифода қилишига имкон беради ва бунинг натижасида талабаларнинг мулоқот ва жамоавий ишлаш кўникмалари ривожланади.

Умуман олганда, замонавий таълимда инновацион ёндашувларнинг қўлланилиши таълим жараёнини янада самарали қилиб, талабаларнинг келажакдаги муваффақиятли фаолияти учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантиришга ёрдам беради.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-машғулот: Замонавий педагогик тенденцияларни амалиётга жорий этиш. (2 соат)

Замонавий педагогик тенденцияларни амалиётга жорий этилиш самарадорлигини аниқлаш мезонлари. Ўқувчиларни мустақил равишда билим олишга йўналтириш методлари. Таълим самарадорлигини оширишга йўналтирилган педагогик технологияларнинг умумий таснифи. Давлат ва ҳуқуқ асослари фанининг мазмунини янги сифат босқичига олиб чиқишнинг

самарали усул ва воситалари. Давлат ва ҳуқуқ асослари фанини ўқитишда замонавий методлар.

2-машғулот: Интерактив ва амалий ёндашувлар. (2 соат)

Интерактив ва амалий ёндашувни жорий этиш. Қонуний масалаларни ўрганиш, уларни амалиётда қўллаш ва ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилиш кўникмаларини ривожлантириш. Ҳуқуқий вазиятларга мос жавоблар топиш кўникмасини ривожлантириш. Дарсларни интерактив ва қизиқарли қилиш. Далилларга асосланган қарорлар қабул қилиш кўникмасини ривожлантириш.

3-машғулот: Ўқувчиларни ҳуқуқ соҳасига оид билимларини амалиётга тадбиқ этиш. (2 соат)

Ўқувчиларни ҳуқуқ соҳасига оид билимларини амалиётга тадбиқ этиш кўникмаларини шакллантириш. Ҳуқуқий компетенциялар турлари ва уларнинг жамият тараққиётидаги ўрни. Ҳуқуқий муаммонинг альтернатив ечимларини ишлаб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари. Тўғри ва асосли қарорлар қабул қилишда замонавий методлардан фойдаланиш.

V. ГЛОССАРИЙ

Ҳуқуқий атамалар изоҳи ва таянч тушунчалар.

Бунёдкорлик ғоя – жамият ва фуқаро турли гуруҳ ва қатламлар, миллатни тараққиёт сари етакловчи, халқни эзгу мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилишга ундовчи ғоядир.

Бунёдкор ғоя таъсирида инсон эзгуликка, озодлик ва мустақилликка эришиш учун интилади, адолат ва ҳақиқат тантанаси йўлида курашади, буюк тарихий ғалабаларни қўлга киритади. Ватанни севиш, юрт тинчлигини асраш, халқ фаровонлиги йўлида кўрашиш – бунёдкор ғояларнинг маъно-мазмунини белгилайди. Қабих ниятли кучларнинг асл қиёфаларини ошкор этишда бунёдкор ғоялар асосидаги эътиқод ва дунёқарашнинг аҳамияти бекиёсдир.

Давлат – жамиятдаги ижтимоий жараёнлар устидан сиёсий ҳокимият ва бошқарувни ташкил этиш. Сиёсий тизимнинг асосий муассасаси.

Давлатнинг асосий хусусиятлари: 1. Ҳокимиятнинг легитимлиги ва уни рўёбга чиқаришга монополия. 2. Фуқаролик жамияти ичида ва ундан ташқарида муносабатларни тартибга солиб туриш учун махсус муассасаларнинг борлиги. 3. Ҳудуд ва аҳолининг борлиги, давлат ўз таъсирини ана шуларга ўтказди.

Давлат тузуми:

1. Қонун чиқарувчи ҳокимият маҳкамаси (парламент, Олий Мажлис, кенгашлар, конгресс, сейм).

2. Ижро этувчи ва фармойиш берувчи муассасалар.

3. Суд ҳокимияти идоралари.

Давлат, қуйидаги асосий вазифаларни адо этади: ҳўжалик юмушлари, ташкилотчилик юмушлари, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этиш, назорат қилиш, давлат ва жамиятни муҳофаза қилиш, ташқи алоқалар, маданий-тарбиявий ишлар.

Жамоат ташкилотлари – одамлар жамоаси бўлиб, уларни муштарак манфаатлар бирлаштириб туради. Мазкур жамоа ушбу жамиятни қабул қилинган қонунлар ва меъёрлар бўйсиниб, муайян мақсадларни рўёбга чиқаради.

Жамоат ташкилотининг хусусияти:

- ташкилот аъзолари алоқалар ва манфаатларининг тизими;
- ички тузилишини бунёд этиш усуллари;
- қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг шакли ва усуллари ҳамда усулларни амалга ошириш йўллари.

Жамоат ташкилотларининг турлари (типлари):

- кучли ғоявий-сиёсий ва маънавий алоқалар тизимлари бўлган ташкилот, яъни сиёсий партиялар;
- муайян мақсадлар ва вазифалар амалга оширишдан манфаатдор бўлган ташкилотлар (қасаба уюшмалари, ташкилотлар ва бошқалар);
- муайян дастурлар ёки хатто айрим шахсларни қўллаб-қувватлаш мақсадида тузиладиган ташкилотлар.

Истиқлол (арабча – озодлик, мустақиллик, эркин бўлиш) – инсон, миллат, давлатнинг эркин ривожлана олиш имкониятини ифода этувчи тушунча. „Истиқлол“ сўзи „мустақиллик“ сўзи учун ўзак ҳисобланади ва унга нисбатан бирламчи асос вазифасини ўтайди. Араб тилидан кириб келган бу сўзлар асрлар давомида қўлланилиб халқ тушунчасига сингиб кетган.

1991 йил сентябр – Мустақиллик куни, деб эълон қилинганидан бошлаб Ўзбекистонда мустақил ривожланишнинг ўзига хос ва мос йўл, тараққиётнинг ўзбек модели тамойилларига асосан ҳуқуқий демократик фуқаролик жамияти барпо этмоқда.

Конфедерация – давлатлар тўла адлиявий ва сиёсий мустақилликни сақлаб қолган ҳолда бирлашадилар, марказий ҳокимият, муштарак қонунлар, фуқаролик ва суд тизими бўлмайди.

Миллат – тарихан таркиб топган барқарор ижтимоий этник бирлик бўлиб, унинг ягона иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти, умумий ҳудуди, тили, маданияти, хулқ атвори (психология) муштарак бўлиши лозим.

Миллий анъаналар – ҳар бир халқнинг асрлар давомида вужудга келган ўзига хос маданият, нодир кадриятлари, анъанаси, урф-одатлари

мавжуд. Анъаналар тарихий сабоқлардан ўтган, ҳаётда синалган, ижтимоий тараққиётда яшашга қодир, авлоддан - авлодга ўтувчи ижтимоий ходисадир. Анъаналар жамият ривожининг устуни, бамисоли ҳаёт ва ижод мактаби, юқорига кўтарилишда суянч, халқнинг тарихий тараққиётида эришган барча ютуқларни ифодаловчи ва сақловчи омилдир. У гарчанд шаклан миллий тавсифга эга бўлса-да, мазмунан умумбашарий моҳиятга эгадир. Мустақил Ўзбекистон ўзининг янгилашни ва ривожланиш йўлида умуминсоний қадриятларга содиқлик, маънавий мерослар, ақлий фойдаланиш ва уни бойитиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда.

Миллий муносабатлар – миллатларнинг алоқалари ва ҳамжиҳатлиги тизими, шунингдек улар мавжудлиги ва равнаки жараёнидаги миллатлар ичидаги муносабатлари.

Миллий сиёсат – давлатни тегишли сиёсий ва адлиявий ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган, миллатлар ва элатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиб турадиган муайян мақсадга қаратилган фаолият.

Партия – (лотинча сўз бўлиб, қисм маъносини англатади) синфлар, табақалар, ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифода этиш учун ташкил этилган жамиятнинг бир қисми. Партия моҳиятининг англаш учун учта ёндашув қабул қилинган:

- а) Бирор - бир мафкуравий доктринага ихлос қўйган одамлар гуруҳи;
- б) муайян синф манфаатларини ифода этадиган сиёсий ташкилот бўлиб, у ана шу синфнинг етакчиси бўлади;
- в) партияни давлат тизимида ишлайдиган ташкилот сифатида муассасавий тушуниш.

Партиянинг белгилари: сиёсий бирлик, ҳокимиятга нисбатан фаолият (асосийлари).

Сиёсий партиялари турлари:

1. Кўхна (архаик) типдаги партия (америка типи); уюшган аниқ тизимнинг йўқлиги, фаолиятининг даврийлиги (одатда сайлов мавсуми пайтида ишлайди), аъзолик давлат идораларига овоз бериш натижаларига кўра тайин этилади, хайр-эҳсон эвазига иш қўриш.

2. Парламент типдаги партия (европа типи); ташкилий тизимларнинг мавжудлиги, муайян сиёсий доираларга ўз таъсирини ўтказиб, ўзини парламент фаолиятига чорлаш, демократизм негизидаги аъзолик, партия фаолиятини маблағ билан таъминлашнинг аралаш тизими, ижтимоий тузумни ўзгартирмасдан ишлаётган ислохотлар партиялари.

3. Илғор типдаги партияларнинг аниқ ташкилий тузилмаларнинг мавжудлиги, ижтимоий муносабатлар барча жабҳаларига таъсир ўтказиш,

давлат тизимига бош қўйиш, уюштириш ва ишлашнинг демократик марказлаштириш тамойиллари, партия фаолияти аъзолик бадаллари билан таъминланади.

4. Бошқача тамойиллар асосида уюшган партиялар (алломалар, зукколар клублари, масон ложалари, халқаро партиялар ва шунга ўхшашлар).

Сиёсий партияларнинг асосий турлари:

- монархия партиялари;
- буржуа консерватив партиялар;
- фашистча, ўта ўнг партиялар;
- либерал демократик партиялар;
- диний партиялар;

- социалистик, ўта сўл, экстремистик партиялар, уюшмалар ва конфедерациялар тарзида ишлайдилар, чунки анархизм қатъий ташкилотни тан олмайди.

Референдум (умумхалқ сўрови) – бевосита халқ ҳокимиятининг муассасаларидан бири. Ҳокимият идоралари, давлат, жамият фаолияти учун ҳаётий муҳим аҳамиятга молик бўлган масала хусусида жами халқнинг овоз бериши. Ўзига хос хислати: референдум яқунлари императивдир, яъни ижро этиш учун мажбурийдир ва узил-кесилдир. Референдум биринчи бор 1439 йилда Швейцариянинг Берн кантонида ўтказилган эди. Референдум ўтказиш барча мамлакатларда кўзда тутилмаган. Масалан, 23 штатни истисно этганда, АҚШда умумхалқ сўрови ўтказилмайди. Собиқ Иттифокда референдум 1989 йилда бўлди. Шу вақтга қадар умумхалқ муҳокамалари ва сўровлари бўлмаган эди.

Сиёсий тузум. Сиёсий, ижтимоий ташкилотлар ва муассасалар, сиёсий қарорлар қабул қилувчи идоралар, мафкура ва анъаналар мажмуидирки, шулар воситасида жамият ташкил этилади. Ғарб сиёсатшунослигида сиёсий тизим кўп ҳолларда сиёсий маданият билан бир ўринга қўйилади. Сиёсий тизимнинг унсурлари қуйидагилардан иборат:

1. Сиёсий муассасалар ва ташкилотларнинг кичик тизими, буларнинг орасида энг асосийси давлатдир.

2. Сиёсий режимда ўз ифодасини топган сиёсий муносабатларнинг кичик тизими.

3. Қонунлар, ҳуқуқий нормалар, мафкуралар ва ахлоқ-одобда ўз ифодасини топган ғоялар ва тамойилларнинг кичик тизими.

Сиёсий режим – сиёсий ҳокимият давлатнинг яшашини рўёбга чиқариш ва жамиятдаги муносабатларини тартибга солиб туриш тизими

Сиёсий режимнинг турлари:

1. Тоталитар сиёсий режим:

- а) шахсий ҳокимият режими;
- б) ижтимоий гуруҳ режими.

Бундай режим фуқаролар жамиятини, ижтимоий ҳаёт барча жабҳаларининг сиёсийлашувини рад этади, шахсни батамом ёт қилиб қўяди ва уни ўзига бўйсундиради.

2. Авторитар сиёсий режим:

- а) диктатура;
- б) бюрократик режим.

Бу режимнинг ўзига хос жиҳати: ҳокимият вакиллари мавқеининг пасайиши, ҳокимиятнинг бўлинмаганлиги ёки унинг расман бўлиниши, ҳокимиятнинг бюрократия қўлида жамулжам бўлиши, сиёсий жабҳага бошқа жабҳаларга нисбатан устуворлик берилиши, қонунчиликнинг рад этилиши, жазо (репрессив) маҳкаманинг борлиги ва унинг таъсири кучлилиги.

3. Либерал сиёсий режим (асли латинча сўз бўлиб, озодлик демак) – бу сиёсий режимнинг шундай бир шакли-ки, шахсга нисбатан давлат йўли билан ва ижтимоий йўл билан; мажбур этишнинг бир қадар юмшашини англатади. Инсон ҳуқуқларини, ҳокимиятни бўлишини, ишни ўз ихтиёри билан тангалаб олишни ва ва эркин рақобатни, сабр-қаноатни (толерантлик) ва бошқаларни эътироф этади.

4. Демократия (юнонча сўз бўлиб, халқ ва ҳокимият демакдир) – халқни ҳокимият манбаи деб эътироф этишга, халқнинг давлат ишларини ҳал этишда иштироқ этиш ҳуқуқига асосланган ва айни вақтда фуқароларга кенг қўламда ҳуқуқлар ва эркинликлар бериб қўйиладиган давлат туридир.

Сиёсий маданият – сиёсий тизими таркибий қисми бўлиб, давлат жамоат ишларини ҳал этишда, демократияни чуқурлаштиришда одамларнинг амалий иштироқи ва уларнинг онглилик даражасини ифодалайди, шунингдек айни вақтда маънавий маданиятнинг жуда муҳим таркиби унинг мафкуравий дунёқараши жиҳатидир.

Суверенитет – халқ ҳуқуқларининг шундай бир кўринишики, бу мазкур халққа мустақил яшашга, миллий ўзига хосликка, бошқа халқларнинг ва ўз давлатининг манфаатларини ҳисобга олиб, унинг равнаки учун қулай шарт-шароитларни таъминлашга имкон беради.

Унитаризм – давлат тузилишининг шундай тамойилики, бунда расман мустақил бўлган тузилмаларнинг ҳуқуқлари батамом марказий ҳокимиятга бериб қўйилади ва мазкур тузилмалар фақатгина маъмурий тизимга айланиб қолади.

Фуқаролик жамияти – демократиянинг юксак даражада ривожланиши асосий вужудга келадиган жамият бўлиб, унда давлат ва жамият бошқаруви фуқаролар томонидан тўлиқ амалга оширилади. Шу тариқа фуқароларининг

ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳалардаги имкониятлардан фойдаланиши учун шарт-шароитлар вужудга келади.

Фуқаролик жамиятининг энг муҳим белгиси фуқароларнинг давлат тузилмалари фаолияти устидан тўлиқ назоратни амалга оширишда намоён бўлади. Бунда фуқароларнинг давлат учун эмас, давлатнинг фуқаролар учун хизмат қилиш тамойили устувор аҳамият касб этади ва ҳар бир фуқаронинг жамият аъзоси сифатидаги имкониятлари тўлиқроқ юзага чиқади.

Фуқаролик жамиятида инсонларнинг интеллектуал салоҳияти ўсиб, жамият ижтимоий-иқтисодий имкониятлари кенгайиб боришига мос равишда мустақамланиб, такомиллашишидан иборат узлуксиз жараён хисобланади.

Фуқаролик институтлари – жамиятда қарор топган нодавлат ташкилотлардир. Улар муайян ижтимоий-иқтисодий, маънавий, сиёсий фаолиятни амалга оширадилар. Фуқаролик институтлари таркибига жамоат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, маҳалла қўмиталари, жамғармалар ва бошқалар киради. Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишда фуқаролик институтларининг роли ошиб боради. Давлат ўзининг кўпгина функцияларини фуқаролик институтларига беради. Фуқаролик жамиятида фуқаролик институтлари асосий рол уйнайди.

Фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш – мамлакат аҳлини бозор иқтисодиётининг оқибатларида асраш ҳамда шу оқибатларнинг аҳоли ижтимоий - иқтисодий аҳволига таъсирни юмншатишдан иборатдир. Бозор иқтисодиётига ўтиш нарх-навонинг ошиши ва ишсизликнинг кўпайиши каби ижтимоий муаммоларни пайдо қилади, аҳолининг бой ва камбағал қатламларга ажралишини маълум даражада кўчайтиради. Жамиятда мувозанатни таъминлаш учун фуқароларнинг маълум қатламини ижтимоий ҳимоялаш зарур бўлади. Бу ишни давлат, корхона ва жамоаси ва жамоат ташкилотлари бажаради. Ижтимоий ҳимоялаш, энг аввало, даромадларни индексациялаш шаклида боради. Яъни, нарх-навонинг ўзгаришига қараб аҳоли оладиган пул даромади ҳам ўзгариб боради. Бу энг аввало, қатъий белгиланган пул даромади ўқувчилар, ўқитувчилар, шифокорлар, давлат хизматчилари, илмий ходимларга тааллуқли бўлади, бундай ишловчилар эса ўзлари ишлаб пул топишлари керак Лекин бунга шароит яратиш зарурдир. Фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш ишга кам таъминланган оилалар, кўп болалилар, ногиронлар, нафақахўр муҳтож бўлади. Уларга бериладиган ёрдам истеъмол товарлари нархи ошиши билан кўрган зарарни қоплаш (компенсация бериш) шаклида ёки уларни қатъий нархда ва нормалаштирилган миқдорда энг зарур товарлар билан амалга оширилади. Фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш ишсизларга нафақа пул тўлаш уларнинг малакасини ошириб, касбини ўзгартириб ишга жойлаштириш

йўналишларида ҳам олиб борилади.

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш давлат сиёсатининг энг муҳим сиёсатидир. Давлат ижтимоий ҳимоя сиёсатини юргиза бориб, мустақиллик йилларида бир қатор Миллий дастурлари қабул қилди ва уларни муваффақиятли амалга оширмоқда. Масалан, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури вазифаларини бажариш мақсадида давлат бюджетининг 38 – 40% фоизи сарфланмоқда.

Федерация – ягона иттифоқ давлатининг бир нечта давлат тузилмалари ёки миллий давлат тузилмаларидан ташкил топиши, айтилиши ва бу тузилмалар муайян даражада сиёсий ва административий мустақилликни сақлаб қоладилар.

Этатизм (французча сўз бўлиб, давлат демакдир) – давлатнинг жамият иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги марказининг кучайишини таърифлашда қўлланиладиган атама. Давлатни ижтимоий таратқилнинг олий натижаси ва мақсади деб билувчи тушунча. Этатизм ҳолатлари кўпгина сиёсий доктриналарда кўзга чалинади. Капитализмгача бўлган даврда бу ҳолатлар асосан абсолютизмни асослаш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ эди. Этатизм давлат капитализмнинг сиёсати сифатида либерализмга ва демократияга қарши қаратилган сиёсат бўлиб, у давлатнинг кучли ҳокимияти бўлишини талаб этди.

Ўзини-ўзи бошқариш моделлари: 1. Инглиз-саксон модели маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг энг намунали типидир ҳисобланиб, унда ўзини-ўзи бошқариш барча ҳақиқий ҳокимият; маҳаллий манфаатлари доирасида амал қилади. 2. Французча ўзини-ўзи бошқаришда эса ҳокимият (расмани ўзини-ўзи бошқаришни қилувчи маҳаллий ҳокимият органлари ҳисобланади. 3. Германча моделда эса давлат бошқаруви билан маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ягона институт бўлиб уйғунлашади,

Ҳокимият. Одамлар катта гуруҳларининг ижтимоий муносабатлари шакли, 2. Муайян ижтимоий гуруҳнинг сиёсатда ва ҳуқуқий мезонларда ўз хоҳиш-иродасини ўткази билиш қобилияти.

Ҳокимият муносабатларининг аломатлари: а) бошқарувнинг алоҳида даражаси; б) жамиятга нисбатан мажбур этиш; в) сиёсий ҳаётни тартибга солиш туришдаги яққал ҳокимлик; г) бошқа давлатларга нисбатан ҳокимият идораларининг суверенитети.

Ҳокимиятнинг легитимлиги (лотинча сўз бўлиб, қонуний, ҳуқуқий деган маънони англатади) – ушбу атама М.Вебер томонидан илмий муомалага киритилган бўлиб, ижтимоий тартиб ва сиёсий фаолиятнинг давлат қонунларига ҳуқуқий асослиги демакдир. Шу билан легитимлик ҳокимиятни зўравонлик билан эгаллаб олишдан фарқ қилади. Ҳокимиятнинг

легитимлиги сиёсий муносабатлар тизимига барқарорлик бахш этади. Чунки ҳуқуқий жиҳатдан асосланганлик бу ўринда эътиқодни, ахлоқ-одобни ўлдиради, ҳокимият субъектлари эса жамият номидан ваколат орган бўладилар ва жамият уларни назорат қилиб туради. Шу тариқа жамиятнинг яхлитлиги, объектларнинг бирлиги, сиёсат субъектларининг ҳамда ҳокимият муносабатларининг бирлиги таъминланади.

Ҳуқуқий давлат – ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларда қонун устуворлиги, давлатнинг ўзи ҳам унинг билан боғлиқ бўлиши шахснинг эркинлиги, унинг ҳуқуқлари ва манфаатлари номуси ва кадр-қимматининг дахлсизлиги, буларнинг муҳофаза этиши ва кафолатланлиги. Давлат ва шахснинг ўзаро маъсулияти қонуни амалга ошириб устида назорат ва конституциявий кузатиш шакллариининг мавжудлиги.

Давлатнинг шакллари:

- Монархия;
- Республика;
- Мустамлака ёки бошқача бўйсунмиш;
- Давлатнинг бошқачарок қурилиши.

Ҳокимиятни бўлиш тизими – жамиятни ҳокимиятни тақсим этишга қайсидир даражада хосдир. Турли ижтимоий кучлар ўртасидаги муросаи мадора бўлиб, жамиятнинг барқарорлигига хизмат қилади, ҳокимият муносабатларининг оғиб кетишига йўл қўймайди.

VI. ADABIYOTLAR RO‘YXATI

I. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining asarlari

1. Mirziyoyev Sh.M. Yangi O‘zbekiston.– T.: “O‘zbekiston” NMIU, 2021. - 464 b.
2. Mirziyoyev Sh.M. «Oliy Majlisga Murojaatnomasi hamda O‘zbekiston yoshlari forumida so‘zlagan nutqidan iqtiboslar». – T.: “Tasvir”, 2021. - 52 bet.
3. Mirziyoyev Sh.M. Yangi O‘zbekiston strategiyasi. – T.: 2021. - 458 b.
4. Mirziyoyev Sh.M. Yangi O‘zbekiston taraqqiyot strategiyasi asosida demokratik islohotlar yo‘lini qat’iy davom ettiramiz. 6-jild. – T.: “O‘zbekiston” NMIU, 2023. - 536 b.
5. Mirziyoyev Sh.M. Erkin, obod va farovon mamlakatni - Yangi O‘zbekistonni barchamiz birgalikda barpo etamiz. – T.: “O‘zbekiston” NMIU, 2023. - 368 b.
6. Mirziyoyev Sh.M. Xalqchil islohotlar xalqimiz manfaatlariga xizmat qiladi. 7-jild. – T.: “O‘zbekiston” NMIU, 2023. - 392 b.
7. Mirziyoyev Sh.M. Hozirgi zamon va Yangi O‘zbekiston. – T.: “O‘zbekiston” NMIU, 2024. -344 b.

8. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlis va O‘zbekiston xalqiga Murojaatnomasi. 2025 yil, 26 dekabr.

II. Normativ-huquqiy hujjatlar

1. O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. – T.: O‘zbekiston, 2023.
2. O‘zbekiston Respublikasining 2020-yil 23-sentabrda qabul qilingan “Ta’lim to‘g‘risida”gi O‘RQ-637-sonli Qonuni.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 8-oktabrdagi “O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi PF-5847-sonli Farmoni.
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 29-oktabrdagi “Ilm-fanni 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi PF-6097-sonli Farmoni.
5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 22-yanvardagi “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-son Farmoni.
6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 11-sentabrdagi “O‘zbekiston - 2030” strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-158-son Farmoni.
7. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 13-oktabrdagi “Alohida ta’lim ehtiyojlari bo‘lgan bolalarga ta’lim-tarbiya berish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” PQ-4860-sonli Qarori.
8. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 3-dekabrdagi “Iqtidorli yoshlarni saralab olish tizimi va akademik litseylar faoliyatini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” PQ-4910-son Qarori.
9. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-oktyabrdagi “Sun’iy intellekt texnologiyalarini 2030-yilga qadar rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida” PQ-358-son Qarori.
10. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 1-iyundagi “Akademik liseylar rahbar va pedagog xodimlarining uzluksiz malakasini oshirish tizimini joriy etish to‘g‘risida” 296-son Qarori.
11. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 29-noyabrdagi “Sun’iy intellekt texnologiyalarini qo‘llab-quvvatlash uchun maxsus rejim tashkil etish va uning faoliyatini yo‘lga qo‘yish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” gi 717-son Qarori.
12. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 10-iyuldagi “2025-2026 yillarda sun’iy intellekt texnologiyalari sohasida ustuvor loyihalarni amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 425-son Qarori.
13. BMT Inson huquqlari Umumjahon Deklaratsiyasi. 1948.
14. BMT Bolalar huquqlari to‘g‘risidagi Konvensiya. 1989.

III. Maxsus adabiyotlar

1. Zulunov R.M. Sun'iy intellekt texnologiyalari – T.: Classic, 2024.
2. Mo'minov B.B., Sun'iy intellekt (O'quv qo'llanma). – T., 2023.
3. Babaxodjaeva N.M. Sun'iy intellekt va neyron to'rli texnologiyalar. -T., 2023.
4. Toirov S.S., Axmedov U.M. Axborot tizimlari va texnologiyalari (o'quv qo'llanma). – T.: Iqtisodiyot, 2020. – 240 b.
5. Abduraxmonov R.M. Pedagogik texnologiyalar va raqamli ta'lim muhitlari. – T.: Fan va texnologiya, 2021. – 200 b.
6. Muminova L.R., Nazarova D.A. Inklyuziv va maxsus ta'lim atamalarining izohli lug'ati. – T., 2021.
7. Nazarova D.A., Mamarajabova Z.N. Maxsus pedagogika (Surdopedagogika). -T.: Innovatsiya-ziyo, 2020.
8. Nazarova D.A. Inklyuziv madaniyatini shakllantirishda ta'lim klasteri sub'yektlarining o'rni. //Scientific aspects and trends in the field of scientific research. International scientific online conference.
9. Nazarova Dildora Asatovna. Issues of involving children with hearing in inclusive education.// European Journal of Agricultural and Rural Education (EJARE)Available Online at: <https://www.scholarzest.com> Vol. 2 No.12, December 2021,ISSN: 2660-5643/ Page 149.
10. Butterworth, J., & Mitchell, D. (2013). Inclusive Education and its Social Benefits. London: Routledge. 77-80 p.
11. Florian, L., & Black-Hawkins, K. (2011). Exploring Inclusive Pedagogy. British Educational Research Journal. 28 p.
12. Nazarova, D. A. (2020). "Aspects of Orientation of Students of the Professional Development Courses in the Direction 'Managers of Educational Institutions' to the Effective Organization of Inclusive Education."European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8(8), 7-12.
- 13.“Inklyuziv ta'limning dolzarb masalalari: muammo va ularning yechimlari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plami. Toshkent shahri. 2021-yil 26-mart.- 335 b.
- 14.Muxamedov H.M. O'zbekiston davlati va huquqi tarixi. Darslik. -T.: “Yuridik adabiyotlar publish”. 2024. -384 bet.
- 15.Odilqoriyev X.T., I.T.Tulteyev va boshq. Davlat va huquq nazariyasi. Darslik. — T.: “Sharq”, 2009. - 568 b.
- 16.H. Odilqoriyev, N. Azizov, X. Madirimov. Davlat va huquq tarixi. Darslik. – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2012. - 345 b.
- 17.Saydullayev Sh. Davlat va huquq nazariyasi. Darslik. – T. “Yuridik adabiyotlar publish”, 2021. -246 bet.

18.Najimov M.K. Huquqiy ong va huquqi madaniyat. – T.: TDYuU, 2018. - 66 b.

19.Javlijev N.B. Huquqning mohiyati: an’naviy va zamonaviy nazariyalar. O‘quv qo‘llanma. – T.: TDYuI, 2010. - 96 b.

20.Odilqoriyev X.T., Yakubov Sh.U. Milliy huquqiy tizim va huquqiy kadriyatlar. Monografiya. -T.: SMI-ASIA, 2010. - 400 b.

IV. Elektron ta’lim resurslari

1. <http://natlib.uz>
2. <http://yedu.uz>
3. <http://lex.uz>
4. <http://lib.bimm.uz>
5. <http://ziyonet.uz>